

"Тиббиёт қурилиш инжиниринг" ДУК

директори

А. Худайбердиев



№	Объект номи	Бошланғич нархи (минг сўм) ҚҚСсиз	ҚҚС 15% (минг сўм)	Бошланғич нархи ҚҚС билан (минг сўм)	Муддати
1	Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани кўп тармоқли шифохонасини реконструкция қилиш	32 760,00	4 914,00	37 674,00	45 кун
2	Топография ишлари ва геология ишлари	8 695,65	1 304,35	10 000,00	
3	Экология хулосалари олиш мақсадида атроф муҳитга зарарлилик таъсири (ЗВОС)	5 652,17	1 347,83	7 000,00	
5	Давлат экспертиза хулосасини олиш	9 565,22	1 434,78	11 000,00	
Жами:		56 673,04	9 000,96	65 674,00	

объектини лойиҳа-смета ҳужжатларни ишлаб чиқиш, учун тегишли лицензияга эга бўлган ҳамда экология хулосалари олиш мақсадида атроф муҳитга зарарлилик таъсири (ЗВОС) лойиҳасини ишлаб чиқишда малакали мутахассисларга эга бўлган лойиҳа ташкилотларни танлаш бўйича.

Бўлим бошлиғи

З.С.Тожиёв



“Тасдиқлайман”

«Тиббиёт қурилиш инжиниринг»
давлат унитар корхонаси директори
А.Худайбердиев

2022й.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани кўп тармоқли шифохонасини реконструкция қилиш объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасидан экспертиза ҳулосасини олиш билан биргаликда:

- Объектнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш (АМТБ) лойиҳасини ишлаб чиқиш (тузиш) ва давлат экология кўмитасидан экспертиза ҳулосасини олиш;
- Худуднинг топографик тасвирларини олиш (зарур бўлганда) ва геология ишлари.

ЭЪЛОН

1. Танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот:

1). Ишлар, хизматларнинг батафсил тавсифи ва нархи:

Объектнинг номданиши	Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани кўп тармоқли шифохонасини реконструкция қилиш объектнинг
Иш тури	-Объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ... -Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасидан экспертиза ҳулосасини олиш билан биргаликда; - Объектнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш (АМТБ) лойиҳасини ишлаб чиқиш (тузиш) ва давлат экология кўмитасидан экспертиза ҳулосасини олиш; -Худуднинг топографик тасвирларини олиш (зарур бўлганда) ва геология ишлари.
Бажариладиган иш турининг қиймати ККС қўшилган ҳолда	65 674 000 (олтмиш беш миллион олти юз етмиш тўрт минг) сўм
Бажариш муддати	45 (қирк беш) календар кун

2). Танлов ўтказиладиган жой манзили: Тошкент шаҳри, 100011, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси 4-уй.

3). Танлов иштирокчилари таклифларида тасдиқланган қўйилган ҳужжатларини (электрон шаклда etender.uzex.uz порталда белгиланган тартибда) тақдим этишлари шарт:

- танловда иштирок этиш учун ариза (1-шакл);
- танлов иштирокчисининг кафолат хати (2-шакл);
- танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот (3-шакл)
- танлов иштирокчиси ходимига берилган ишончнома (4-шакл);

- танлов иштирокчисининг тижорат (наrx электрон шаклда) таклифи (5-шакл);
- лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларининг умумий жадвали (6-шакл);
- танлов иштирокчисининг рўйхатдан ўтганлиги (регистрация) тўғрисидаги ҳужжат нусхаси;
- танлов иштирокчисининг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга тегишли лицензиясининг нусхаси (суб пудрат ташкилоти жалб этилганда уларнинг ҳам);
- танлов иштирокчисининг объект билан танишганлиги тўғрисида далолатнома (ГИП, ГАП ва фойдаланувчи ташкилот масъуллари билан биргаликда);

4). Иштирокчилар билан алоқада бўлиш учун белгиланган шахслар:

- Тўраев Саъдулла - Танлов савдоларини ташкил этиш ва хўжалик шартнома муносабатлари бўлими бош мутахассиси, тел.: 71-250-23-87;
- Тожиёв Зафар – Бирламчи рухсат берувчи, лойиҳа ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш бўлими бошлиғи, тел.: 71-250-24-35;
- Тошкент шаҳри, 100121, Яққасарой тумани, Боғи-Бўстон кўчаси 143-уй.

5). Танлов ҳужжатлари коидаларини изохлаш учун сўров бериш: Кўрсатилган телефон рақамлари ва ёки электрон почта орқали Электрон манзил: tqiduk.minzdrav@mail.ru

6). Таклифларни бериш муддатлари тугайдиган сана ва вақти: Эълонга берилган санадан бошлаб 5 иш кун.

7). Танлов таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар:

- Танлов иштирокчиларининг техник ҳужжатлари эълонда белгиланган тартиб асосида танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган (талабларга асосан электрон равишда муҳрланган ҳужжатларини) тақдим этилади (PDF форматда электрон жойлаштирилади) (эълонда келтирилган иловалар бўйича).
- Танлов иштирокчиларининг ҳужжатларини, муҳр қўйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки ҳужжатларини хар бир варағи имзоланган ҳолда (электрон кўринишда PDF форматда) жойлаштириш тавсия этилади. - Танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;
- Танлов иштирокчиси фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- Танловга таклифларни қабул қилиш чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади. 2.Бажарилган (иш, хизмат) учун тўлов сўмда амалга оширилади. Шартнома имзоланганидан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилик рўйхатидан ўтгандан сўнг 30% микдорда аванс тўланади. Қолган 70% тўлов бажарилган ишлар ҳисоб-фактураси тақдим этилганидан сўнг амалга оширилади.
- 3.Танловда иштирок этиш учун таклиф ўзбек тилида тайёрланиши лозим.
- 4.Танлов иштирокчиларига танлов коидаларига доир тушунтиришлар эълон жойлаштирилган санадан бошлаб юборилган ҳамда таклифлар бериш муддати тугайдиган санага камида 2 (икки) кун олдин келиб тушган сўровларга жавоб юборилади (электрон манзил орқали tqiduk.minzdrav@mail.ru).
- 5.Танлов иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборот ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда харид комиссияси бунда иштирокчини харид қилиш тартиб-таъминининг исталган босқичида танловда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.
- 6.Танловда қатнашиш учун талабгорга қуйидаги малака талаблари қўйилади:
 - Шартнома бажариш учун зарур техникавий, молиявий, молдий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларининг мавжудлиги;
 - Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
 - Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб таъминларининг мавжуд эмаслиги;
 - Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;
 - Танловда қатнашиш талабгорига буюртмачи томонидан белгиланган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.
- 7.Ишнинг хизматининг муқобил вариантларига йўл қўйилмайди.

“Тасдиқлайман”
Ўзбекистон Республикаси
Сог‘лиқ сақлаш вазирлиги ҳузуридаги
«Гибриет қурилиш инжиниринг»
давлат унитар корхонаси директори
А. Худайбердиев _____ 2022й.



Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани кўп тармокли шифохонасини реконструкция қилиш объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги шахарсозлик ҳужжатлари экспертизасидан экспертиза ҳулосасини олиш билан биргаликда:

- Объектнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш (АМТБ) лойиҳасини ишлаб чиқиш (тузиш) ва давлат экология кўмитасидан экспертиза ҳулосасини олиш;
- Худуднинг топографик тасвирларини олиш (зарур бўлганда) ва геология ишлари.

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Бунортда «Гибриет қурилиш инжиниринг» давлат унитар корхонаси

Ҳужжатлар таркиби

- I. Танлов иштирокчиси учун кўрсатма
- II. Малака ҳужжатлари рўйхати.
- III. Иштирокчилар танлов тақлифларини малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари.
- IV. Шартнома лойиҳаси.

Мухим!

- Қуйида ушбу харид ҳужжатлари учун танлов иштирокчилари томонидан тўлдирилгани мажбурий бўлган ҳужжатларнинг шакллари келтирилган.
- Шакл № 1 (ариза) - 11 бет;
- Шакл № 2 (кафолат хати) - 12 бет;
- Шакл № 3 (умумий маълумот) - 13 бет;
- Шакл № 5 (нарх тақлифи) 15 бет;
- Барча керакли шакллар асл нусхада бўлиши, танловнинг вақли томонидан имзоланган ва ёқонли муҳр бўлиши шарт.
- Агар танлов иштирокчиси қуйидаги шакллари тақдим этмаса ёки уларни белгиланган шаклда тақдим этмаса, тақлиф, комиссия томонидан кўриб чиқилган ҳисобланади.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН КЎРСАТМА

1. Умумий қоидалар.

- 1.1. Ушбу харид ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрий ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2. Танлов Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани кўп тармокли шифохонасини реконструкция қилиш объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва Қурилиш вазирлиги хузуридаги шахарсозлик ҳужжатлари экспертизасидан экспертиза ҳулосасини олиш билан биргаликда:
 - Объектнинг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш (АМТБ) лойиҳасини ишлаб чиқиш (тузиш) ва давлат экология кўнгитасидан экспертиза ҳулосасини олиш;
 - Худуднинг топографик тасвирларини олиш (зарур бўлганда) ва геология ишлари.
- 1.3. Ишлар, хизматлар нархи амалдаги нархларда танлов эълонини махсус веб-сайтга танлов эълонини жойлаштиришда, ҳар бир объект бўйича алоҳида кўрсатилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати 30 кун белгиланади.
- 1.5. Танлов тақлифидида кўрсатилган нархлар белгиланган қийматдан ошмаслиги керак.
- 1.6. Хизмат кўрсатиш учун техник топшириқ харид ҳужжатларининг техник қисмида тақдим этилади.
- 1.7. Харид комиссияси йнгилишининг шакллари-комиссияни шахсан муҳокама қилиш шаклида.
- 1.8. Ўтказилган танлов натижалари тўғрисидаги маълумотлар 03.07.2003 йилдаги 302-сонли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорининг 77-бандига мувофиқ тақдим этилади, "оферталарни кўриб чиқиш, баҳолаш ва таққослаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар ошқор этилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно".
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2021-йил 22-апрелдаги "Давлат харидлари тўғрисидаги ЎРҚ-684-сон қарорининг 7-бандида асосан;
 - 2. Танлов ташкилотчилари
- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги - "Тиббиёт қурилиш инжиниринг" ДУК танлов (тендер) нинг буюртмачиси (кейинги ўринларда "буюртмачи") ҳисобланади. "Буюртмачи" манзили: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Боғи-бўстон кўчаси, 143-уй.
- 2.2. Ташкилотчи билан алоқа: тел.: 71-281-24-43; 71-250-23-87;
- 2.3. Комиссиянинг ишчи органи Харид комиссияси ҳисобланади (бундан кейин - "ишчи орган"). Манзили: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси 12-уй.
3. Танлов иштирокчилари
- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан қичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин, 4.2га киритилган юридик шахслардан ташқари
- 3.2. Иштирокчилар қўйилган мезонларга жавоб беришлари керак:
 - танлов савдолари предмети қийматининг камида 20% миқдоридида айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш учун банк кафилиги; шартнома шартларини бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ва бошқа ресурслар мавжудлиги;
1. Янги қурилиш, қайта таъмирлаш, муқаммал таъмирлаш учун - малакали иш юритувчилар, ИЧТБ муҳандислари, қурувчи мутахассислар мавжудлигини тасдиқлаш учун уларнинг меҳнат дафтарақасидан нусхалар;
 - 2. Лойиҳа-излашни ишлари учун - лойиҳани барча бўлимларини тайёрловчи малакали муҳандислар ва мутахассислар мавжудлигини тасдиқлаш учун уларнинг меҳнат дафтарақасидан нусхалар.

 - шартнома тузиш ҳуқуқи;
 - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг ёъклиги;
 - уларга нисбатан қўлланиладиган банкротлик қаракатларининг ёъклиги;
 - "буюртмачи" билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасининг ёъклиги.

• ишончсиз ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлиги.

4. Танлов ўтказиш тартиби

- 4.1. Танловда иштирок этиш учун иштирокчи:
 - а) расмий веб-сайтда жойлаштирилган харид ҳужжатлари электрон версиясини олиш (юклаб олиш);
 - б) харид ҳужжатлари талабларига мувофиқ танлов тақлифини тақдим этиши керак.
- 4.2. Буюртмачи иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатидаи, агар:
 - иштирокчи ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишга, қарор қабул қилишга ёки давлат харидлари жараёнида буюртмачини ҳар қандай танлаб олиш тартиб-таомилини қўлашга таъсир қилиш мақсадида буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига, ёки бошқа давлат органига ҳар қандай шаклда муқофот, ишга ёллаш тўғрисидаги тақлиф ёки бошқа қимматли нарса ёки хизматни тақлиф этса, берса ёки беришга розилик берса;
 - иштирокчи қонунчиликни бузган ҳолда адолатсиз рақобат афзаллиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса;
 - малакавий маълумотларда нотўғри маълумот тақдим этилган тақдирда;
5. Танлов тили, ўлчов бирлиги.
- 5.1. Танлов тақлифи ва у билан боғлиқ барча ёзишмалар, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши керак. Танлов (тендер) тақлифи унга, ўзбек ёки рус тилларига аниқ таржимаси илова қилиниши шартли билан бошқа тилда бўлиши мумкин.
- 5.2. Танлов тақлифидида метрик ўлчов тизими қўлланилиши керак.
6. Танлов тақлифи ва уни расмийлаштириш тартиби
- 6.1. Танлов иштирокчиларига тисилган, рақамланган, муҳр ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган ёки ҳар бир варақда имзоланган тақлифлар тақдим этиш тавсия этилади.
- 6.2. Танлов иштирокчиси:
 - фақат битта тақлифни тақдим этиш ҳуқуқига эга;
 - бундай тақлифларни тақдим этиш муддати тугагунга қадар берилган тақлифни қайтариб олиш ёки ўзгартриш ҳуқуқига эга эмас.
- 6.3. Танлов тақлифи 2 қисмдан иборат бўлиши мумкин:
 - (малака ҳужжатлари) техник қисм, иштирокчи ҳақидаги умумий маълумотлар (пул таъминоти (агар ушбу талаб мавжуд бўлса), шартнома шартларини бажариш учун кадрлар, молиявий, моддий, техник ва бошқа ресурслар мавжудлиги тўғрисида маълумот);
 - (тақлиф нархи электрон) нарх қисми танлов шартларига мувофиқ бўлиши ва қўйилган маълумотларни ўз ичига олиши керак: махсуслот номи, етказиб бериш шартлари, товарлар (хизматлар)нинг нархи ва етказиб бериш (бажариш) муддати, якуний сумма, тўлов ва иш жадвали, тақлифнинг амал қилиш муддати ва х. к.
- 6.4. Танлов комиссияси иштирокчилдан малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат шаклида далилларни тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир. Агар танлов савдолари предмети бўлган ишлар (хизматлар) бажарилиши билан боғлиқ фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши лозим бўлса, белгиланган тартибда бериладиган тегишли лицензияга эга бўлган талабгорлар танлов савдоларида иштирок этишга руҳсат этилади.
- 6.5. Танлов тақлифи муҳрланган ҳолда (электрон равишда PDF форматда топлатформага жойлаштирилади).
- 6.6. Товарларни (суканаларни) етказиб бериш бўйича техник тақлиф қўйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- техник хужжатлар рўйхати (таклиф этилаётган махсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган брошюралар, техник паспортлар, фойдаланиш кўрсатмалари ва х.к. ёки бошқа хужжатлар).

6.7. Нарх таклифи хужжатларида мавжудлиги мажбурий талаблар:
- нархлар таклифида тўлов шартларини кўрсатиш керак: олдиндан тўлов ___% ва асосий тўлов ___%

6.8. Ишчи орган факат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ расмийлаштирилган танлов таклифлари билан яхлитлиги ва бутлиги учун жавоб беради.

6.9. Танлов таклифлари эълонда кўрсатилган муддатга қадар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади, Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Богубустон кўчаси 143-йўй.

6.10. Иштирокчиларнинг танлов таклифининг амал қилиш муддати таклифлар тақдим этилган кундан бошлаб қамда 30 кун бўлиши керак.

7. Танлов таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириш

7.1. Зарур ҳолларда буюртмачи таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек танлов иштирокчиларига харид комиссияси қарори билан муайян муддатга уларнинг таклифларининг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги таклиф билан мурожаат қилиши мумкин.

7.2. Танлов таклифларини тақдим этиш муддатларини узайтириш тўғрисидаги эълон расмий веб-сайтга қойлаштирилади.

8. Танлов ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш

8.1. Агар керак бўлса, буюртмачи харид ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Харид қилиш ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисидаги қарор, таклифларни тақдим этиш муддати тугайдиган санадан қамда уч кун олдин қабул қилиниши мумкин.

9. Танловга топширилган ҳужжатларни баҳолаш мезонлари

9.1. Танлов ўтказиш вақти сифатида эълон қилинган вақтда таклифларни баҳолаш учун харид комиссияси, иштирокчилар томонидан тақдим этилган ҳужжатларини баҳолайди.

9.2. Танлов иштирокчиларнинг техник ҳужжатларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати 10 кундан ошмаслиги керак.

9.3. Техник ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларни расмийлаштиришнинг тўғриллиги текширилади. Тегшли ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ёки нотўғри расмийлаштирилган тақдирда, харид комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолашга йўл қўймайликка ҳақилдир

9.4. Харид комиссияси рад этилмаган таклифларни баҳолайди. Комиссия, мезонларни батафсил ўрганиш учун ишчи гуруҳин тайинлаш ҳуқуқига эга. Бунда қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳужжатлар текширилади.

9.5. Иштирокчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотларнинг нотўғриллиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчинин танловда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

9.6. Таклифларни баҳолаш ва голибни аниқлаш харид ҳужжатларида белгиланган мезонлар асосида амалга оширилади (2-илова).

9.7. Агар таклиф харид қилиш ҳужжатлари соҳасидаги Қонунчилик ва норматив ҳужжатлар талабларига жавоб берадиган бўлса, таклиф тўғри расмийлаштирилган деб ҳисобланади.

9.8. Харид комиссияси агар унинг иштирокчиси харид қилиш соҳасидаги Қонунчилик ва норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга жавоб бермаса ёки иштирокчининг таклифи харид ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, иштирокчинин танловдан четлатилади.

9.9. Ҳужжатларни баҳолаш жараёнида харид комиссияси иштирокчилардан уларнинг таклифлари тўғрисида тушунтиришларини сўраши мумкин. Ушбу тартиб расмий равишда, белгиланган тартибда танлов ташкilotчиси орқали ёзма равишда амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида ҳужжатларнинг моҳияти, шунингдек, нарх бўйича ҳеч қандай ўзгаришларга йўл қўйилмайди.

9.10. Харид ҳужжатлари ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши иштирокчиси голиб деб топилади.

9.11. Агар арифметик ёки бошқа ҳатолар мавжуд бўлса, харид комиссияси таклифни рад этишга ёки уларни келтусида кўриб чиқишнинг бошқа шартларини аниқлашга ва бу ҳақда танлов иштирокчисини хабардор қилишга ҳақли.

9.12. Хорижий ва маҳаллий иштирокчилар нархларини тўғри таққослаш мақсадида, баҳолашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда тегшли харажатлар (солиқлар, божхона тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар) ҳисоба олинади.

9.13. Танлов ҳужжатларини кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари, танлов ҳужжатларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қайд этилади.

9.14. Танлов ҳужжатларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан электрон қилор орқали имзоланади.

9.15. Танлов иштирокчиси таклифларни баҳолашдан сўнг буюртмачига танлов натижалари бўйича тушунтиришлар бериш тўғрисида сўров юбориш ҳуқуқига эга. Бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни мобайнида буюртмачи амалдаги Қонунчилик доирасида тегшли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

10. Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка риоя қилиш

10.1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка, ишчи органга кирувчи, танлов таклифларини ҳисоба оладиган, уларнинг ҳавфсизлиги ва махфийлигини таъминлайдиган ишчи шахслар мавсул.

10.2. Комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун ташкил этилган ишчи гуруҳ аъзолари ахборотни ошқор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб этилган экспертлар билан тил бириктириш, шунингдек бошқа гайриқонуний ҳаракатлар учун масъулдирлар.

10.3. Шартнома—бўйича (миклорий, сифат ва техник параметрлар бўйича) мажбурийташларни бажармаган танлов голиб Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва / ёки тузилган шартномада назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

11. Бошқа шартлар

11.1. Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар ўтказилган танлов юзасидан тушунтиришлар олиш учун ишчи органга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

11.2. Иштирокчи харид қилиш ҳужжатлари қондаларини танлов ўтказиш учун эълон қилинган шаклда тушунтириш бериш тўғрисида буюртмачига сўров юбориш ҳуқуқига эга. Кўрсатилган сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни мобайнида буюртмачи харид ҳужжатлари қондаларини белгиланган шаклда тушунтириши шарт, агар кўрсатилган келиб буюртмачига таклифлар бериш муддати тугагунга қадар икки кундан кечиктирмай келиб тушган бўлса. Харид ҳужжатлари қондаларини тушунтириш унинг моҳиятини ўзгартирмаслиги керак

11.3. Танлов, харид комиссияси томонидан амалга ошмаган деб эълон қилиниши мумкин; * агар танловда битта иштирокчи иштирок этган бўлса ёки ҳеч қим иштирок этмаган бўлса;

* агар таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича харид комиссияси харид ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли барча таклифларни рад этган бўлса;

11.4. Буюртмачи голиб бўлган таклифни қабул қилгунга қадар истаган вақтда танловни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Буюртмачи танлов бекор қилинган тақдирда ушбу қарорнинг асосли сабабларини расмий веб-сайтда эълон қилади.

12. Шартнома тузиш

12.1. Харид комиссияси қарори билан голиб деб эълон қилинган танлов иштирокчиси буюртмачидан тегшли ёзма хабарнома олади ва буюртмачининг молиявий хизмати томонидан тақдим этилган шартнома тузади.

12.2. Агар голиб шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш ҳуқуқи захира ижрочи томонидан тақдиф этилган нархда захира ижрочига ўтказилади. Бунда захира ижрочи танлов голиби томонидан тақдиф этилган нархда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Харид хужжатлари қондаларини тушунтириш учун сўров шакли
Иштирокчининг фирма бланкида (агар мавжуд бўлса)

Танлов ўтказиш учун
харид комиссияси

Малака ҳужжатлари
РЎЙХАТИ

1. Харид комиссияси раиси номига танловда иштирок этиш учун ариза (1-шакл).
2. Танлов иштирокчиси муҳри билан тасдиқланган ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
3. Иштирокчи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан суд ёки қақамлик муҳофазаси ҳолатида, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлигини тасдиқловчи қафолат хати. (2-шакл)*
4. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумот (3-шакл)*
5. Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари ҳақида маълумот (охирги 3 йил) (4-шакл)*

а) харид ҳужжатларини тақдим этиш;

б) харид комиссияси мажлисларида иштирок этиш;

с) саралаш таклифининг техник ва нарх қисмига, шунингдек бошқа масалаларга доир масалаларни тушунтиришга ваколатли бўлиши керак. (5-шакл)

6. Нарх таклифи (6-шакл)

* 3 –шакл **Ишчи ходимлари тўғрисидаги (паспорт, буйруқ ҳамда диплом нусхалари) илова қилиниш шарт;**

* 4 –шакл **охирги 3 йилдаги молиявий кўрсаткичлар (ташкilotнинг**

бухгалтерский баланси) нусхасини имзо муҳри кўйилган ҳолда (4-шаклга илова қилиниши шарт);

* 2, 3 ва 4-шакллар иштирокчи томонидан тўлдирилмаган ёки нотўғри

тўлдирилган ҳолда, комиссия иштирокчини танловдан четлатиши мумкин.

• **БАРЧА ХУЖЖАТЛАР ЭЛЕКТРОН (PDF) ШАКЛДА (ИЛОВАЛАРНИНГ**

БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ

ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН

ХОЛДА) МАХСУС ЭЛЕКТРОН ПОРТАЛДАГИ etender.uzex.uz КЎРСАТИЛГАН

ЛОТ БЎЙИЧА ЖОЙЛАШТИРИЛАДИ.

[расмий веб-сайтга] жойлаштирилган сотиб олиш ҳужжатларининг қуйидаги қондалари борасида [давлат буюртмачисининг эхтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш] тушунча беришингизни сўрайман.

№ п/н	Сотиб олиш ҳужжатлари боби	Тушунтириш керак бўлган харид қилиш ҳужжатлари банди	Харид ҳужжатларини тушунтириш учун сўровнинг моҳияти
1	2	3	4

Ушбу сўров бўйича тушунтиришларни сиздан қуйидаги манзилга [почта манзили, электрон почта манзили, факс рақамини] юборишингизни сўраймиз.

[қун, ой, йил]

[сўровни
[Ф.И.Ш.]

имзоланган шахс лавозимининг номи]

[имзо]

М.Ў.

ИШТИРОКЧИ БЛАНКИДА

№: _____
Сана: _____

Харид комиссияси

Танлов ҳужжатларини ўрганиб чиқиб (таклиф этилаётган маҳсулотнинг номини кўрсатиш), № - сонли сўровларга жавоблар (ёзма муурожаатлар ва уларга жавоблар мавжуд бўлган тақдирда сўровлар сонини кўрсатиш), биз, қуйида имзо чекканлар (танлов иштирокчисининг номи) маҳсулотни (иш, хизматни) танлов ҳужжатларига мувофиқ этказиб бериш учун танловда иштирок этиш ниятидамиз.

Шу муносабат билан қуйидаги ҳужжатларни йўлаймиз:

1. _____ варақда малака ҳужжатлари (брошюралар, буклетлар, проспектлар, компакт-дисклар ва х. к. лар тақдим этилган тақдирда варақлар сонини кўрсатиш);
2. Танлов таклифининг техник қисми;
3. Танлов таклифининг нарх қисми.
4. Капитал қурилишда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш учун танлов ҳужжатларини тайёрлаш, ташкил этиш ва ўтказиш учун лицензия.

5. Бошқа ҳужжатлар (бошқа ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, варақларнинг номи ва сонини кўрсатиш керак)

Танлов таклифларини тайёрлаш учун масъул шахснинг (Ф.И.Ш.)

Алоқа телефони / факс: _____
Электрон почта манзили: _____
Раҳбар ёки ваколатли шахснинг фамилияси ва имзоси

М.Ў.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан биз компаниямиз _____
(компания номи)

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмас.

- «Халқ таълими соҳасида инжиниринг компанияси» ДУК билан суд ёки ҳакамлик низо ҳолатида эмас

- илгари тузилган шартномалар бўйича тўла бажарилмаган мажбуриятлар мавжуд эмас

- ишончсиз ижрочиларнинг яғона ресурсида биз ҳақимизда ҳеч қандай маълумот йўқлиги туғрисида кафолат берамиз.

Имзолар:

Раҳбарнинг (Ф.И.Ш.) _____

Бош бухгалтер (молия бўлими бошлиғи) (Ф.И.Ш.) _____

Юрист (Ф.И.Ш.) _____

М.Ў.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

ИШТИРОКЧИ БЛАНКИДА

№: _____
Сана: _____

Харид комиссияси

АРИЗА

Танлов ҳужжатларини ўрганиб чиқиб (таклиф этилаётган маҳсулотнинг номини кўрсатиш), № - сонли сўровларга жавоблар (ёзма муурожаатлар ва уларга жавоблар мавжуд бўлган тақдирда сўровлар сонини кўрсатиш), биз, қуйида имзо чекканлар (танлов иштирокчисининг номи) маҳсулотни (иш, хизматни) танлов ҳужжатларига мувофиқ этказиб бериш учун танловда иштирок этиш ниятидамиз.

Шу муносабат билан қуйидаги ҳужжатларни йўлаймиз:

1. _____ варақда малака ҳужжатлари (брошюралар, буклетлар, проспектлар, компакт-дисклар ва х. к. лар тақдим этилган тақдирда варақлар сонини кўрсатиш);
2. Танлов таклифининг техник қисми;
3. Танлов таклифининг нарх қисми.
4. Капитал қурилишда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш учун танлов ҳужжатларини тайёрлаш, ташкил этиш ва ўтказиш учун лицензия.

5. Бошқа ҳужжатлар (бошқа ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда, варақларнинг номи ва сонини кўрсатиш керак)

Танлов таклифларини тайёрлаш учун масъул шахснинг (Ф.И.Ш.)

Алоқа телефони / факс: _____
Электрон почта манзили: _____
Раҳбар ёки ваколатли шахснинг фамилияси ва имзоси

М.Ў.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

Тавлов иштирокчисни ҳақида умумий маълумот

1	Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган тўлиқ номи
2	Рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумот (рўйхатга олиш санаси, рўйхатга олиш рақами, рўйхатга олиш органининг номи)
3	Юридик манзили
4	Алоқа телефони, факс, электрон почта
5	Тўлиқ банк тафсилотлари
6	Фаолиятнинг асосий йўналишлари
7	Тавсифининг шахсий СТИР (ғолиб билан шартномани махсус веб-сайтда рўйхатдан ўтказиш учун)

Шу каби ишларни бажариш тажрибаси ҳақида маълумот

№	Номи	Буюртмачининг номи	Сана	Еслатма

Ишларни бажариш учун керакли малакали ходимларнинг мавжудлиги тўғрисида

№	маълумот		
	Мутахассислиги	Ф.И.О.	Иш таърибаси

Ишларни бажариш учун зарур бўлган ускуналар мавжудлиги тўғрисида маълумот

№	Номи	Тури	Ишлаб чиқариш санаси	Тегшиллиги (ижара/балансда)

(ваколатли шахснинг имзоси)

(Ф.И.О. ва ваколатли шахс лавозими)

М. Ҳ. Сана: " " 202 йил.

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТТАНДА ТАНДАШ САВДОСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

ИШТИРОКЧИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

(Шаклга кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)

(иштирокчи номи)

АКТИВЛАР	2018 й	2019 й	2020 й	ПАССИВЛАР	2018 й	2019 й	2020 й
Узоқ мuddатли активлар				Уз мabлаглари мabбан			
Асосий воситалар				Устав капитали			
Шундан:				Таксимланмаган фойда			
Ишлаб чиқариш фондлари				Мажбуриятлар			
Қолдиқ киймат				Зайвлар			
Капитал кўйилмалар				Кредитор қарздорлик			
Тугалланмаган ишлаб чиқариш				Жорий активлар			
Жорий активлар				Шундан, мuddати ўтган қарздорлик			
Айланма мabлаглар				Шундан, бюджетдан қарздорлик			
Улардан: ишлаб чиқариш захиралари				Шундан, иш ҳақидан қарздорлик			
Дeбитор қарздорлик				Жами: баланс пасcиви			
Шундан, мuddати ўтган қарздорлик				бўйича			
Жами: баланс активи				Жами: баланс пасcиви			
актив бўйича				бўйича			

МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

Номи	2018 й	2019 й	2020 й	Номи	2018 й	2019 й	2020 й
1. Реализациядан олинган тушум				8. Соф фойда			
2. Реализациядан олинган соф тушум				Шундан, асосий фаолият бўйича			
3. Реализация қилинган махсуднинг ишлаб чиқариш таннари				У муҳумўжалик фаолияти бўйича			
4. Маъмурий харажатлар				9. Асосий фаолиятдан олинган фойда			
5. Бошка харажатлар				10. У муҳумўжалик фаолиятдан олинган фойда			
6. Даромад солиғи тўловигана фойда				11. Зарар			
7. Даромад солиғи				Шундан, асосий фаолиятдан			
				У муҳумўжалик фаолиятдан			

Баланс фойдаси

Очирғи 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганими? _____

Иштирокчи номи: [Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатиш]

Таклифга имзо чекувчи лавозими: [Таклифга имзо қўйган шахснинг лавозимини кўрсатиш]

Имзо: [Юқорида номи ва лавозими кўрсатилган шахс имзосини қўйиш]

Ушбу таклиф [Иштирокчининг тўлиқ номини кўрсатиш] кўрсатмаси ва номидан тегшишли ваколат билан имзоланди.

Сана: [таклифга имзо қўйилган санани кўрсатиш]

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПШИРИЛАЁТТАНДА ТАНДАШ САВДОСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.

ИШТИРОКЧИ БЛАНКИДА

НАРХ ТАКЛИФИ
(объект номини кўрсатиш)

Сана: (саралаш таклифини топириш санасини киритинг).
Кимга: Харид комиссиясига.
Биз, қуйида имзо чекувчилар, харид хужжатларини умумий ўрганиб чиқдик ва етказиб бериш, хизмат кўрсатиш ишларни бажариш жараёнида хал қилиниши керак бўлган муаммоларнинг характери билан танишдик.
Барча талабларни таҳлил қилиб, танлов савдолари шартларига мувофиқ етказиб беришни, хизмат кўрсатиш ишларни бажариш (етказиб бериладиган маҳсулот хизматлар номини кўрсатиш) таклиф қиламиз:

- тўлов шартлари - _____ (олдиндан тўлов ва кейинги тўловлар % кўринишида);
- ишларни бажариш шартлари ва муддатлари - _____ (танлов етказиб беришнинг умумий микдори, ишларни бажариш таклифининг умумий микдорини рақамлар ва сўзлар билан ҚҚС билан ёки ҚҚСсиз, шунингдек тўлов валютаси билан белгиланг) ва ушбу танлов таклифининг бир қисми бўлган бириктирилган нарх жадвалида кўрсатилган.

Биз ушбу таклифининг қондаларига 30 кун мобайнида, танлов таклифларини қабул қилиш тугайдиган кун сифатида белгиланган саналдан бошлаб амал қилишига розилик билдираамиз.
Ушбу танлов таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.
Харид комиссияси энг кам нарх таклифини қабул қилиши шарт эмас, балки барча кўрсаткичлар ва баҳолаш мезонлари бўйича энг яхши таклифни қабул қилишга ҳақли эканини тушунамиз.

Сана: « ____ » _____ 202 ____ й.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг фамилияси ва имзоси

М.Ў

ИЛОВАЛАРНИНГ БАРЧА БЕТЛАРИ ТОПИРИЛАЁТГАНДА ТАНЛАШ САВДОСИ
ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИМЗОЛАНГАН ВА МУХРЛАНГАН БЎЛИШИ ШАРТ.